

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **469** Махсус индустриал зоналар қатнашчиларига ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

Махсус индустриал зоналар қатнашчиларига ер участкалари беришнинг ягона тартибини белгилаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Махсус индустриал зоналар қатнашчиларига ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ҳудудиди махсус индустриал зоналар ташкил этиладиган вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар махсус индустриал зоналар қатнашчиларига ер участкалари бериш бўйича материалларни келишиш ва расмийлаштиришни белгиланган муддатларда таъминласинлар.

3. Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари ҳамда «Ергеодезадастр» давлат кўмитаси уч ой муддатда «Ангрен» махсус индустриал зонаси ва «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудиди қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг сифатини белгилаган ҳолда турар жойлар, бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дов-дарахтларнинг дастлабки қийматини белгиласинлар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ангрен» махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 29 майдаги 146-сон қарорининг 3-банди бешинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 35-модда) «ва» ҳамда «ер участкаларидан фойдаланиш тўғрисида» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 26 август,  
234-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 26 августдаги 234-сон қарорига  
ИЛОВА

## Махсус индустриал зоналар қатнашчиларига ер участкалари бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига ва бошқа қарорларига мувофиқ ташкил этиладиган махсус индустриал зоналар (кейинги ўринларда МИЗ деб аталади) қатнашчиларига ер участкалари беришнинг махсус ҳуқуқий режими ва тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**МИЗнинг маъмурий кенгаши** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан МИЗ фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш функцияларини амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари вакилларида тузиладиган коллегиал орган;

**МИЗ дирекцияси** — МИЗ фаолиятини тезкор бошқариш учун ташкил этиладиган давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахс;

**инвестор** — белгиланган тартибда танловдан ўтган ва МИЗ ҳудудида инвестициялашни амалга оширувчи инвестицион фаолият субъекти;

**МИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битим** (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисидаги битим деб аталади) — Дирекция ва инвестор ўртасида тузиладиган ва уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган битим;

**МИЗ қатнашчиси** — белгиланган тартибда МИЗ ҳудудида рўйхатдан ўтказилган ва Дирекция томонидан МИЗ қатнашчилари реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект;

**ер участкасидан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома** — тегишли вилоят ҳокимлиги билан МИЗ қатнашчилари ўртасида тузиладиган МИЗ ҳудудида ер участкасидан муддатли фойдаланиш тўғрисидаги шартнома.

3. МИЗ таркибига киритилган ер участкалари чегаралари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ белгиланади.

МИЗ ҳудудидаги ер участкалари ҳудудида МИЗ ташкил этиладиган вилоятлар ҳокимликларининг тўғридан-тўғри юритувида бўлади ва МИЗ маъмурий кенгашлари қарорлари асосида тегишли вилоятлар ҳокимлари томонидан МИЗ қатнашчиларига берилади.

4. МИЗ ҳудудида меъморий ва шаҳарсозлик фаолияти қурилишнинг дастлабки режаларига ёки белгиланган тартибда тасдиқланган МИЗни ривожлантиришнинг бош режаларига мувофиқ амалга оширилади.

5. МИЗ қатнашчиларига ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва бошқа қарорлари билан белгиланадиган МИЗ

фаолият кўрсатиши даврида 30 йилгача муддатга муддатли фойдаланиш учун берилади.

МИЗ қатнашчиларига МИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати тегишли муддатга узайтирилганда ер участкасидан муддатли фойдаланиш муддатини узайтириш ҳуқуқи берилади.

МИЗ қатнашчиси мақомини олган ва дастлабки қурилиш режасига ёки МИЗни ривожлантиришнинг бош режасига мувофиқ МИЗнинг маъмурий кенгаши қарори билан корхонаси жойлаштириш учун жой берилган тадбир-корлик субъектига ер участкасини бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

## II. МИЗ қатнашчиларига ер участкаси ажратиш тартиби

6. МИЗ қатнашчиларининг корхоналарини жойлаштириш қурилишнинг дастлабки режаларига ёки МИЗни ривожлантиришнинг бош режаларига мувофиқ инвестиция қўйиш тўғрисида битимлар тузилган тақдирда МИЗнинг маъмурий кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Биринчи навбатда МИЗ қатнашчиларининг корхоналари қурилиш учун зарур бўлган ўлчамда ер участкаси ажратилган ҳолда саноат зоналарининг фойдаланилмаётган ҳудудда жойлаштирилади.

7. Ер участкалари ажратиш ҳақидаги материалларни тайёрлаш, шу жумладан ваколатли органлар ва ташкилотларда келишиш ишлари ер участкалари ажратилаётган МИЗ қатнашчиларининг маблағлари ҳисобига МИЗнинг маъмурий кенгашлари билан келишилган баҳолар бўйича тегишли вилоятнинг хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан шартнома асосида бажарилади.

8. Инвестор МИЗ дирекцияси билан биргаликда қурилишнинг дастлабки режасига ёки МИЗни ривожлантиришнинг бош режасига мувофиқ МИЗ ҳудудда жойлаштириладиган корхонанинг жойлашадиган жойини ўрганади ва белгилайди.

9. МИЗ қатнашчилари объект қурилиши учун ер участкаси ажратиш тўғрисида тегишли вилоят ҳокимининг номига аризани тайёрлайди. Аризада ер участкаси қандай мақсадлар учун ва қандай муддатга зарурлиги, у жойлашган жой ва талаб этиладиган жой асосланган ҳолда ер участкаси ўлчамлари, юридик шахснинг почта манзили, реквизитлари ёки жисмоний шахснинг паспортига оид маълумотлар кўрсатилади.

МИЗ қатнашчилари тайёрланган аризани МИЗ дирекцияларига тақдим этадилар. МИЗ дирекциялари ариза олинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида уни ўзининг илтимосномаси билан биргаликда тегишли вилоят ҳокими ва тегишли вилоятнинг хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматига юборади. Илтимосномага МИЗ маъмурий кенгашининг танланган ер участкаси жойлашган жой кўрсатилган ҳолда қурилишнинг дастлабки режасидан ёки МИЗни ривожлантиришнинг бош режасидан нусха кўчирилган ҳолда корхонани жойлаштириш тўғрисидаги қарорининг нусхаси (ёки қарордан кўчирма) илова қилинади.

10. Вилоятнинг хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ер участкаси ажратиш бўйича материалларни беш иш куни мобайнида тайёрлайди.

11. МИЗ дирекцияси ер участкасини танлаш ишларини бажариш давомида:

инвестиция буюртманомаларидан ва МИЗни ривожлантиришнинг бош режасидан келиб чиқиб янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаси, шунингдек муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмаси объектларини танлаш бўйича таклифларни Иқтисодиёт вазирлигига, Молия вазирлигига ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тайёрлайди ва улар кейинчалик таклифларни Маъмурий кенгашнинг кўриб чиқиши учун киритадилар;

ер участкасини инвесторга ажратиш тадбирларини ўз вақтида таъминлаш учун инвесторлар томонидан киритиладиган инвестиция буюртманомалари асосида улар жойлаштириладиган жойлар ва ер участкалари ўлчамлари кўрсатилган ҳолда келгуси йилда амалга оширилиши назарда тутилаётган инвестиция лойиҳалари, шунингдек муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмаси объектлари рўйхатини вилоят ҳокимлиги номига юборади;

тегишли вилоят ҳокимлигига лойиҳа инвесторининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги буюртманомаси, шу жумладан МИЗни ривожлантиришнинг бош режасини ишлаб чиқувчи билан келишилган ҳудуднинг харитасидан кўчирма билан биргаликда МИЗ қатнашчиси мақомини бериш тўғрисида Маъмурий кенгашнинг қарори лойиҳасини юборади.

12. Ер участкаси ажратиш ишларини бажариш давомида вилоятларнинг хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматлари:

Маъмурий кенгашнинг қарорлари ва МИЗ дирекцияси томонидан юборилган материаллар асосида инвестиция лойиҳалари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари учун ажратиладиган ер майдонининг чегараларини ва умумий майдонини аниқлайди;

ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг таркибини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва бошқа экин майдонлари турларини аниқлайди;

ажратиладиган ер участкасида бинолар ва иншоотлар, турар жойлар, шу жумладан ўзбошимчалик билан қурилган турар жойлар мавжудлигини аниқлайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларидан ер олиб қўйилиши (сотиб олиниши) муносабати билан юзага келадиган уларнинг зарарлари миқдорларини аниқлайди;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ер майдонлари олиб қўйилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчилиги миқдорини аниқлайди;

ажратиладиган ер участкасида бузиладиган бинолар, иншоотлар ва ту-

рар жойлар мавжуд бўлган тақдирда уларнинг қийматини аниқлаш учун баҳолаш ташкилотлари жалб этилади;

мавжуд бўлган тақдирда янги ер участкалари ёки квартиралар олишни хоҳловчилар кўрсатилган ҳолда фуқароларнинг кўчириладиган оилалари рўйхатини тузади;

ер участкасини унумдор қилишнинг (қишлоқ, ўрмон, балиқчилик хўжалигида ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун), тупроқнинг унумдор қатламини кўчириб олишнинг зарурлиги ва йўналишини аниқлайди;

ер участкасининг ҳар бир эгаси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори билан улардан ерни олиб қўйиш (сотиб олиш)га розилик ва унинг шартлари тўғрисидаги баённомаларни расмийлаштиради;

инвестиция лойиҳалари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари учун ер участкалари ажратиш бўйича материалларни тайёрлайди;

инвестиция лойиҳалари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари учун ажратиладиган ер участкаси чегаралари чизмасини тузади.

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари ва мулкдорларининг зарарлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида назарда тутилган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчиликлари тегишли вилоятлар ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қопланади.

13. Материаллар ер участкаси ажратиш далолатномаси билан расмийлаштирилади, унда ушбу Низомнинг 12-бандида санаб ўтилган маълумотлар акс эттирилади. Далолатномага:

ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг зарарлари (мавжуд бўлганда) ҳисоб-китоби;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон экин майдонлари олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ҳисоб-китоби;

бузиладиган бинолар ва иншоотларни (улар мавжуд бўлганда) баҳолаш тўғрисида баҳолаш ташкилотининг ҳисоботи;

ўрмон хўжалиги корхоналаридан ўрмон экин майдонлари олиб қўйилган тақдирда улар томонидан тузилган ажратиладиган ер участкасининг техник текшируви далолатномаси;

ер эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг олиб қўйиладиган (сотиб олинладиган) ери акс эттирилган ҳолда ажратиладиган ер участкасининг чегаралари чизмаси илова қилинади.

14. Ер участкаси ажратиш далолатномаси:

тегишли вилоятнинг архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, МИЗни ривожлантиришнинг бош режасини ишлаб чиқувчи, давлат санитария ва ёнғин назорати органлари билан, ер участкаси сугориладиган ерларда жойлашган тақдирда — тегишли вилоятнинг қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан;

ер участкаси муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, сув муҳофазаси

ва санитария-химоя зоналаридан, магистрал қувурлар, темир йўл ва автомобиль йўллари, электр қуввати узатиш ва алоқа линиялари, маданий мерос объектларининг қўриқланадиган, сув муҳофазаси ва санитария-химоя зоналаридан, шунингдек чиқиндиларни ва бошқа заҳарли моддаларни кўмиш жойларидан ажратилганда — ушбу ҳудудлар ва иншоотлардан фойдаланувчи ва уларни ишлатувчи ташкилотлар билан келишилади.

15. Ер участкаси ажратиш далолатномасини келишувчи органлар ва ташкилотлар материаллар олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай уларни кўриб чиқадилар ва ўзларининг асосланган хулосаларини тегишли вилоятнинг хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматига тақдим этадилар.

16. Вилоятнинг хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ер участкаси ажратиш бўйича материалларни вилоят ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган вилоят ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиясига (кейинги ўринларда вилоят Комиссияси деб аталади) қўйидаги ҳужжатларнинг асл нусхаларини:

белгиланган тартибда расмийлаштирилган ер участкаси чегаралари чизмаси билан биргаликда ер участкаси ажратиш далолатномасини;

ушбу Низомнинг 14-бандида белгиланган ташкилотлар билан ер участкаси ажратиш бўйича материалларни келишишга доир ҳужжатларни;

янги ер участкалари ва ёки квартиралар олишни хоҳловчилар кўрсатилган ҳолда фуқароларнинг кўчириладиган оилалари рўйхатини, шунингдек турар жойлари ва бошқа иморатлари бузилиши керак бўлган (улар мавжуд бўлганда) тегишли юридик ва жисмоний шахсларнинг рўйхатини;

юридик ёки жисмоний шахслардан олиб қўйиш (сотиб олиш) шартларини улар билан келишиш бўйича ҳужжатларни киритади.

17. Ер участкаси ажратиш далолатномаси унинг келишилганлиги ҳақида ваколатли органларнинг хулосалари илова қилинган ҳолда киритилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида вилоят Комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Вилоят Комиссиясининг хулосаси баённома билан расмийлаштирилади.

18. Тегишли вилоятнинг хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати вилоят Комиссиясининг хулосаси асосида бир иш куни мобайнида вилоят ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлайди.

19. Вилоят ҳокими бир иш куни мобайнида тақдим этилган материалларни кўриб чиқади ва МИЗ қатнашчисига ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорда қўйидаги масалалар акс эттирилиши керак:

ер участкаси ажратилаётган МИЗ қатнашчисининг номи, қурилаётган объектнинг номи, ер участкасини бериш муддати, шунингдек ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачилари бўйича экин майдонлари бўйича ажратиладиган ер участкасининг умумий майдони, олиб қўйиладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг сифати (бонитет баллари);

ер участкаларининг ҳар бир эгасига, фойдаланувчисига, ижарачисига ва мулкдорига (мавжуд бўлганда) қопланиши керак бўлган зарарлар миқдори;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон экин майдонлари олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдори;

ер участкасини унумдор қилиш зарурлиги, уларни улар олиб қўйилган мулкдорларига, эгаларига, фойдаланувчиларига ва ижарачиларига қайтариш шартлари (зарур бўлганда);

тупроқнинг унумдор қатламини кўчириб олиш зарурлиги;

сув муҳофазаси, экологик, ёнғинга қарши, санитария шартлари ва талаблари бошқа шартлар ва талаблар.

Вилоят ҳокимининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорига унинг таркибий қисми сифатида ажратиладиган ер участкаси чегаралари чизмаси илова қилинади.

20. Ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин бир иш куни мобайнида ишларни бажарувчи, ер участкаси ажратиладиган МИЗ қатнашчиси томонидан имзоланадиган далолатнома расмийлаштирилган ҳолда ер участкасининг чегаралари натурага кўчирилади, турдош фойдаланувчилар, туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) ҳамда хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати раҳбарлари билан келишилади.

21. Ер участкаси чегаралари натурага кўчирилгандан кейин бир иш куни мобайнида ер участкаси ажратиш бўйича хужжатлар йиғма жилди уч нусхада тузилади, уларнинг бир нусхаси ер участкаси ажратиш бўйича материаллар тайёрлаш харажатлари тўлангандан кейин МИЗ қатнашчисига, шунингдек туман архитектура ва қурилиш бўлимига (бошқармасига) ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастрига берилади. Ер участкаси ажратиш бўйича хужжатларнинг асл нусхалари вилоятнинг хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматида сақланади.

22. Вилоят ҳокимининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори асосида вилоятнинг хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан бир иш куни мобайнида МИЗ қатнашчисининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилади ва ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун рўйхатдан ўтказиш йиғими тўлангандан кейин унга ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

23. Ер участкаси ажратиш материаллари расмийлаштирилгандан кейин вилоят ҳокими МИЗ қатнашчиси билан ер участкасидан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузади.

Ер участкасидан фойдаланиш тўғрисидаги шартномада ер участкасидан фойдаланиш шартлари, ердан фойдаланиш бўйича томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг тўхтатилиши ҳолатлари ва томонларнинг хоҳишига кўра бошқа масалалар белгиланади.

24. Ер участкаси ажратиш бўйича материалларни тайёрлашнинг умумий муддати ишларнинг ўртача мураккаблигида 16 кунни ташкил этади.

МИЗ қатнашчиларига ер участкалари бериш схемаси ушбу Низомга иловада келтирилади.

### **III. Ишламаётган корхоналарни ва давлат мулки бўлган мол-мулкни нул сотиб олиш қиймати билан сотишда ер участкалари ажратиш тартиби**

25. МИЗ дирекцияси билан МИЗ қатнашчиси ўртасида тузилган ишламаётган корхоналар ва давлат мулки бўлган мол-мулкнинг олди-сотди шартномаси асосида кўрсатиб ўтилган объектлар билан банд бўлган ҳамда экологик талаблар ва хавфсизлик нормалари ҳисобга олинган ҳолда асосланган ҳисоб-китоблар бўйича улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасидан муддатли фойдаланиш ҳуқуқи МИЗ қатнашчисига ўтади.

Ер участкасидан муддатли фойдаланиш ҳуқуқининг ўтиши МИЗ дирекциясининг тақдимномаси бўйича уч иш куни мобайнида вилоят ҳокимининг ер участкасини олдинги ердан фойдаланувчидан олиб қўйиш ва МИЗ қатнашчисига бериш тўғрисидаги қарори билан расмийлаштирилади.

26. Вилоят ҳокимининг қарори асосида белгиланган тартибда МИЗ қатнашчисининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилади ва унга ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

### **IV. Яқунловчи қоидалар**

27. Тадбиркорлик субъекти МИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилган тақдирда унинг ер участкасидан муддатли фойдаланиш ҳуқуқи МИЗ дирекциясининг тақдимномаси бўйича вилоят ҳокимининг қарори билан муддатидан олдин тўхтатилади.


28. Ер участкаларидан фойдаланиш бўйича қатнашчилар ва МИЗ дирекциялари ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларига ва ер участкасидан фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ ҳал этилади.

29. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



Махсус индустриал зоналар  
катнашчиларига ер участкалари бериш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Махсус индустриал зоналар (МИЗ) қатнашчиларига  
ер участкалари бериш  
СХЕМАСИ**



Ер участкаси ажратишга доир материалларни тайёрлаш,  
келишиш ва тасдиқлашнинг умумий муддати — 16 кун.